--	-------------------	------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	--	------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

**V. Дон қабул қилиш ва сақлаш жараёнларини такомиллаштириш.**

1.	Табиий камайиш миқдорини ошиб кетмаслигини таъминлаш.	<p>Корхона ва шахобчаларга қабул қилинган дон партияларининг табиий камайиш миқдорининг ошиб кетмаслик чораларини куриш. Бунинг учун:</p> <p>моддий-техника базасини доимий шай ҳолда сақлаш учун харажатларни йил давомида <b>18,0 млн. сўмга</b> камайтириш;</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- донни сифатли қабул қилиш мақсадида қуритилгандан кейин гарамлаш ва омборларга киритиш;</li> <li>- сақлашни жараёнида дон ҳароратини мунтазам назорат қилиб туриш ва зарур ҳолларда шамоллатиб турлилишини таъминлаш;</li> <li>- мавжуд омборлар ва айвонларнинг фаол вентиляция тизимини мунтазам ишлашини таъминлаш;</li> <li>- қабул қилинган донни сақлаш харажатларини табиий ва механик йуқотишларни ҳамда ортиқча харажатларни камайтириш эвазига <b>68,2 млн.сўм</b> иқтисод қилишга эришиш.</li> </ul>	Доимий	Ишлаб чиқариш, маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича директор, бош энергетик, бош ҳисобчи, бош маркетолог, бош технолог, Марказий лаборатория бошлиғи
2.	Дон партияларини бошқа моддий жавобгар шахсга асосан утказилишига чек қўйиш.	Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 25 майдаги 95-сонли қарори талабларини бузмаган ҳолда бир моддий жавобгар шахс зиммасидаги дон партияларини бошқа бир моддий жавобгар шахсга асосан утказилишига чек қўйиш ва бу билан дон партияларининг айланма ҳаракати миқдорининг сунъий оширилишига йўл қўймаслик.	Доимий	Жамият бошқарув раиси, молиявий фаолият, маҳсулот сотиш ва сотиб олиш бўйича директор, бош ҳисобчи

**VI. Корхонанинг автотранспорт харажатларини қисқартириш.**

1.	Темир йул мавжуд филиал ва шахобчалардаги донни темир йул вагонларида ташиш.	Хива "Қорақум" ДҚҚШдаги қабул қилинган донни корхонага Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 25 майдаги 95-сонли қарорига асосан Транспорт воситаларида ташишни	Доимий	Ишлаб чиқариш, маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш
----	------------------------------------------------------------------------------	-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	--------	--------------------------------------------------------------------------------

		самарадорлигини ошириш.		масалалари буйича директор, молиявий масалалар ва сотиш буйича директор, бош маркетолог
2.	Донни ташишда ортикча транспорт харажатларига йул қуймаслик	<p>Донни ташишда Молия вазирлиги ва Транспорт вазирлиги томонидан тасдиқланган “Автомобиль траспорти ва прицеппи тракторларда донни ташиш учун чекланган тарифлар”дан ошмаган ҳолда автотранспорт корхоналарини жалб этиш.</p> <p>Донни қабул қилиш корхоналарини дислокациясини оптималлаштириш орқали дон ва бошқа хом ашё маҳсулотлари ташиш харажатларини камайтириш;</p> <p>Корхонанинг узидаги 2 та камаз, 1 та Газ 53, 2 та Зил, 2 та КШП ва 1 та ХОН юклагичларидан донни ташиш ва юклаш-тушириш ишларида ушумли фойдаланиш орқали бошқа четдан келадиган ташкилотлар томонидан бажариладиган ишлар ҳажминини камайтириш, натижада 21 млн. сўм тежаш.</p>	Доимий	Ишлаб чиқариш, маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари буйича директор, бош механик

**VII. Корхонага рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш.**

1.	Агроонлайн ва Ғалла дастурини тулиқ ишлатишни таъминлаш.	<p>Бунда:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Агроонлайн дастурининг 1С дастурига фермер ҳужаликлари ИПП, МФО, ҳисоб рақамлари ва стиштирган ҳосили учун туланадиган сўмма миқдорини тулиқ интеграция қилинганлигини назорат қилиб бориш;</li> <li>- Ғалла дастурида электрон тарозилар дастури орқали қабул қилинган ғалла ҳосили миқдорини тарози китобига мослиги ҳамда 1С дастурига интеграция қилинганини текшириш.</li> </ul>	Июль-Август	Қишлоқ ҳўжалиги бўлими бошлиғи, АКТ бўлими бошлиғи
2.	Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш хизмати фаолиятини такомиллаштириш.	<p>Белгиланган Иуриқнома талабларига асосан:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- объектларда қўриқлашни ташкил қилиш буйича “Контрольно – охраниных групп” гуруҳини ташкил қилиш.</li> <li>- объектларни тулиқ кузатув камералари билан жиҳозлаш;</li> <li>- қўриқлаш ходимлари сонини</li> </ul>	Декабрь	Ишлаб чиқариш буйича директор, Харбийлаштирилган <sup>1</sup> қўриқчилик ва ёнгин хавфсизлиги бўлими бошлиғи



		худудий идоралараро комиссиясининг (МВК) хулосасига асосан қисқартириш.		
<b>VIII. 2021 йил учун мўлжалланган “Бизнес режа”ни такомиллаштириш</b>				
1.	Корхонанинг 2021йил учун мўлжалланган “Бизнес режа” кўрсаткичларини қайтадан куриб чиқиш.	Бозор иқтисодиёти шароитида корхонанинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқариш ва сақлаш харажатларини қисқартириш, зарур бўлмаган мақсадсиз лойиҳаларни амалга оширмаслик, ортиқча эҳтиёт қисмларни харид қилмаслик, транспорт харажатларини оптималлаштириш орқали “Бизнес режа” кўрсаткичларини қайтадан куриб чиқиб, Кузатув кенгашига тақдим этиш.	15 июль	молиявий фаолият, маҳсулот сотиш ва сотиб олиш бўйича директор, бош иқтисодчи

2016 йилдан 1-январдан бошлаб, жамиятда *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28-июлдаги «Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида»ги №207-сонли қарори* бўйича фаолият самарадорлигини баҳолаш бўйича мезонлар жорий этилди.

Самарадорликни баҳолаш мезонлари белгиланган даврийлик бўйича ҳисобланадиган самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларини уз ичига олади.

Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (кейинги уринларда СМК деб аталади) ташиқлотларнинг ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигини аниқлаш учун фойдаланиладиган баҳолаш мезонларининг миқдорий улчовидан иборат булади.

Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари фаолиятининг Иқтисодий, энергетика, ишлаб чиқариш, инновацион самарадорлиги кўрсаткичларини ва самарадорликнинг бошқа кўрсаткичларини уз ичига олиши мумкин.

Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларининг ташиқлотининг ваколати бошқарув органи бўлган кузатув кенгаши, у мавжуд бўлмаганда эса-юқори бошқарув органи (хўжалик жамиятлари учун) ёки муассисе (давлат корхоналари учун) қарори билан тасдиқланади.

Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларини ҳисоблашнинг даврийлиги ҳар чоракдан иборат булади ва ташиқлотнинг ваколатли бошқарув қарори билан белгиланади.

Баҳолаш мақсади учун ҳар бир самарадорлик муҳим кўрсаткичига унинг ташиқлот учун аҳамиятини ақс эттирувчи салмок улчови белгиланади. Жамиятга нисбатан татбиқ этиладиган барча самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари салмок улчовлари жами 100 фоизни ташиқил қилади.

Самарадорлик муҳим кўрсаткичларининг проноз (мақсадли) кўрсаткичлари ҳар бир давр учун бизнес-режада, унинг ажралмас қисми ҳисобланадиган алоҳида илова сифатида ақс эттирилади.

Самарадорлик мухим кўрсаткичлари прогноз (мақсадли) кўрсаткичлари ташкилотнинг ваколатли бошқарув органи томонидан қонунчиликда белгиланган меъерий миқдорда (агар кўрсаткичлар учун қонунчиликда меъерий миқдор белгиланган бўлса) паст бўлмаган даражада белгиланади.

Агар қонунчиликда кўрсаткичлар учун меъерий миқдор назарда тутилмаган бўлса, прогноз (мақсадли) кўрсаткични аниқлаш учун бошқа ташкилот (консультант) жалб этилиши мумкин.

Жамиятнинг ваколатли бошқарув органи навбатдаги чорак тугагандан сўнг самарадорлик мухим кўрсаткичларининг прогноз (мақсадли) кўрсаткичларига тузатиш киритиши мумкин.

Агар самарадорлик мухим кўрсаткичларининг прогноз (мақсадли) кўрсаткичига тузатиш киритиш илгари амалга оширилган туловларни қайта ҳисоблашга зарурат тугдирса, у ҳолда бундай қайта ҳисоблаш учун Низомда назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Ҳисоблаш йўли билан олинган самарадорлик мухим кўрсаткичлар миқдорлари уларнинг бизнес-режада белгиланган прогноз (мақсадли) миқдорлари билан ҳисобланган ва мақсадли миқдорнинг фоизли нисбати тарзида (кейинги ўринларда бажариш фоизи деб аталади) таққосланади.

Барча самарадорлик мухим кўрсаткичбуйича ўртача ҳисобланган миқдоржамиятнинг ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигининг йиғинди кўрсаткичи (кейинги ўринларда самарадорлик йиғинди кўрсаткичи деб аталади), сифатида ифодаланади.

Жорий даврда ижро этувчи орган раҳбари ва аъзоларини мукофатлаш миқдори бизнес-режада назарда тутилган ижро этувчи органи моддий рағбатлантириш нули миқдорини самарадорлик йиғинди кўрсаткичига кўпайтириш йўли билан аниқланади. Жамиятнинг ваколатли бошқарув органи қарорига биноан ижро этувчи органининг ташкилот фаолияти натижаларини шакллантиришдаги ҳақиқий иштирокидан келиб чиқиб, тузатиш коэффициенти қўлланиши мумкин.

Агар самарадорлик йиғинди кўрсаткич ва уларнинг бажарилиш фоизи барча самарадорлик мухим кўрсаткичларнинг камида ярмида прогноздан (мақсадли кўрсаткичдан) оиса, ташкилотнинг ваколатли бошқарув органи қарорига асосан ижро этувчи орган раҳбари ва аъзоларини мукофатлаш миқдори бизнес-режада назарда тутилган мукофотлаш миқдorigа нисбатан икки баробар оширилиши мумкин.

Агар самарадорлик мухим кўрсаткичнинг ҳақиқий миқдори қонунчиликда белгиланган меъерий миқдордан паст бўлса, ташкилотнинг ваколатли бошқарув органи қарорига асосан ижро этувчи орган раҳбарига нисбатан қонунчиликка мувофиқ жавобгарлик чоралари қўрилади.

Жамиятнинг ваколатли бошқарув органи қарорига асосан ижро этувчи орган фаолияти самарадорлиги қуйидагича эътироф этилади:

**Самарадорлик мухим кўрсаткичи миқдори 40 фоиздан кам бўлса-қониқарсиз;**

*Самарадорлик мухим кўрсаткичи миқдори 40 фоиздан 60 (ушбу даража ҳам киради) фоизгача бўлса – паст даражада;*

*Самарадорлик мухим кўрсаткичи миқдори 60 фоиздан 80 (ушбу даража ҳам киради) фоизгача бўлса – етарли даражада эмас;*

*Самарадорлик мухим кўрсаткичи миқдори 80 фоиздан 90 (ушбу даража ҳам киради) фоизгача бўлса – ўрта даражада;*

*Самарадорлик мухим кўрсаткичи миқдори 90 фоиздан 100 (ушбу даража ҳам киради) фоизгача бўлса – етарли даражада;*

*Самарадорлик мухим кўрсаткичи миқдори 100 фоиздан ошса – юқори даражада;*

*Жамиятларда ижро этувчи орган фаолияти самарадорлигини баҳоламасдан еки уларнинг фаолияти қониқарсиз еки паст даражада деб эътироф этилган тақдирда устамалар белгилашга, мукофот пули ва бошқа моддий рағбатлантиришлар тўлашга йўл қўйилмайди.*

*Ижро этувчи органнинг самарадорлиги кетма-кет икки чорак мобайнида қониқарсиз еки паст даражада (хар қандай уйғунликда) бўлса, бу ижро этувчи орган раҳбари билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ташаббуси билан чиқишга олиб келади.*

*Бизнес-режа доимий ҳужжат бўлиб, мунтазам янгилаб борилади, унга ҳам корхонанинг ичида ҳам умуман иқтисодиётдаги шароитларга қараб рўй берган ўзгартиришлар киритилади.*

*Бизнес –режа жамият тараққиётининг умумий концепциясига асосланган, бўлиб, ривожланиш стратегиясининг иқтисодий ва молиявий жиҳатларини бир мунча батафсил баён этади, аниқ чора-тадбирларни техник-иқтисодий жиҳатдан асослаб беради. У стратегиясини амалга ошириш техник, ташкилий ва иқтисодий ўзгаришларнинг маълум вақтгача ўзаро маҳкам боғланган бутун бир тизими сифатида тўзилган кенг инвестиция дастурларига асосланади.*

*Бизнес-режа одатда бир неча йил ичида амалга ошириши керак бўлган ишларнинг бир қисмини ўз ичига олади.*

*Ушбу бизнес-режа Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2015 йил 24-апрелдаги ПФ-4720 сонли фармони ва 2015 йил 28-апрелдаги «Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПК-2340 сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида амалга оширилган ишлар бўйича “Хонқадон маҳсулотлари” акциядорлик*

жамиятининг 2021 йилга мўлжалланган инвестиция дастури, уни амалга ошириш манбалари келтирилган бўлиб, охириг хотима бўлимида йил давомида амалга ошириладиган чора-тадбирларни самарадорлиги ҳақида сўз юритилади.

Жамиятнинг 2021 йилга мўлжалланган иқтисодий ва молиявий режа курсаткичлари, маркетинг, ишлаб чиқаришни хом ашё, материаллар ва энергия ресурслари билан таъминлаш, жамият бошқарув органлари, кадрлар сиёсати, иш ҳақи курсатилган.

## **2.КОРХОНА ПАСПОРТИ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТЛАРИ ВА МУЛКНИНГ ТАҚСИМОТИ ТУҒРИСИДА МАЪЛУМОТЛАР.**

“Хонқа дон маҳсулотлари” акциядорлик жамияти Хоразм вилояти Хонқа тумани Мулла-ёп кўчаси 64-уйда жойлашган.

Банк реквизитлари: АТБ «Агробанк»нинг Хоразм Вилоят Худудий бошқармаси Хонқа тумани филиали ҳисоб рақами 20208000300237903001 МФО: 00560, ИНН 200429242ТХШ-153, МШ-100, МХОБТ-1733223, КТУТ-960119, ХХТУТ-19211  
Телефон: (62)3995851, 3995848, 3995853

“Хонқа дон маҳсулотлари” акциядорлик жамияти (жамият) Республика давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб қувватлаш бошқармасининг 19.05.1995 йилги №135 ПҚО сонли буйруғига асосан давлат таъсаруфидан чиқарилиб акциядорлик жамиятига айлантирилган.

Хоразм вилоят Хонқа туман Давлат хизматлари маркази томонидан 2019 йил 23-апрелда 1332 реестр тартиби билан қайтаруви ҳатдан ўтказилиб № 1332-сонли гувоҳнома берилган.

Жамият таркибидаги дон маҳсулотлари қабул қилиш, ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш шаҳобчалари вилоятимизнинг қуйидаги шаҳарва туманларида жойлашган:

1. Хива тумани “Хива қорақум ДКҚШ” қабул қилиш шаҳобчаси  
2021 йил ҳошидидан.

1. Дон қабул қилиш ҳажми – 4500 тонна

1. “Хонқа дон маҳсулотлари” АЖ буйича

1. Дон қабул қилиш ҳажми – 9314 тонна

Шу жумладан : Товар дон - 7255 тонна

Уруглик дон – 2059 тонна

2. Ун ишлаб чиқариш қуввати – 150 тн/суткада

3. Уруглик ишлаб чиқариш қуввати – 60 тн / суткада

4. Омукта ем ишлаб чиқариш қуввати – 150 тн/суткада

5. Жами ишчи ходимлар сони - 290 киши

Шу жумладан. аппарат ходимлари - 13 киши

**“Хонқа дон маҳсулотлари” акциядорлик жамияти 2021 йилда ўз “Низоми” да кўрсатилган фаолиятни амалга оширишни қўйидагича белгилайди:**

- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари асосида фаолият кўрсатиб;
- Хоразм вилояти аҳолисини ун, чорвачиликни омухта эм шу билан биргаликда фермер хўжаликларни уруғлик дон билан таъминлашни;
- Ишлаб чиқаришни доимий ривожлантириши мақсадида илмий – техник, иқтисодий асосланган ҳолда технологик қайтақуроллантиришни амалга оширишни;
- Дон ва дон маҳсулотларини, бошқа кишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олишни, уларни давлат эҳтиёжига, шунингдек бошқа истеъмолчиларнинг буюртмасига асосланиб қайта ишлаб беришни ўз зиммасига олади.
- Шунингдек, амалдаги қонунлар билан таъқиқланмаган фаолият натижасида даромад олиши, акциядорлар ва меҳнат жамоаси аъзоларининг моддий ва ижтимоий эҳтиёжларини таъминлашни ташиқил этади.

## **II. Ташиқиллий ва ишлабчиқариш тизими**

**Жамият фаолиятини Бошқариш Корпоратив бошқарув асосида амалга оширилади. Корпоратив бошқарув акциядорлик жамиятини бошқаришнинг олий даражадаги тизимидир. Яъни, жамият ижроия органи, кузатув кенгаши, акциядорлар ва бошқа манфаатдор жисмоний ёки юридик шахслар билан ўзаро манфаатлар тизимини ўзига камраб олади.**

Ировард натижада жамиятнинг барча бўғинларида алоқадор шахсларнинг манфаатларини нобатга олиб, ҳаракатдаги қонун ҳужжатларига риоя қилган ҳолда жамиятнинг барча фаолият турларидан максимал даромад олишни таъминлайди.

**Корпоратив бошқарувнинг ютуғи шундан иборат буладики, ҳамма ва ҳар бир ходимнинг бошқарувда ўзаро ҳамжиҳатлик билан ишга ҳаққоний ёндашувидан иборат. Жавобгарлиги кучли бўлган, ёрқин ва муҳим қийматга мўлжалланган корпоратив бошқарувни ташиқил этиши нвесторлар, бизнес бўйича ҳамкорлар, ходимлар ва жамият аъзоларининг ўзаро ишончини яратади.**

Жамиятнинг бошқаришида биринчи навбатда чет эл менежерларини жалб этиши, шунингдек маҳаллий юқори малакали менежерларни тайёрлаш ва уларни жамият фаолиятини бошқаришга жалб этиши лозим.

**Менеджерлар ва директорлар юқори натижаларга эришиши учун тенг ҳуқуқли жавобгардирлар.**

Бошқарув раиси ҳаракатдаги қонунлар доирасида бошқарув органлари қарорларини ижро этиши шарт.

Коллегиал Ижроия Органи – Бошқарув хайъати томонидан, функционал департамент структураси, яъни фаолиятнинг барча соҳалари бўйича чегараланган мажбуриятларни жамият бошқарув раиси, ижрочи директорлар, бошқарув аъзолари, шахобча мудирлари, бўлимларга юклатиши асосида ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 октябрдаги “Атроф-муҳитга юқори ва урта хавфли таъсир этувчи саноат корхоналарида замонавий оқова сув тозалаш иншоотларини ўрнатиш ва мавжудларини модернизация қилиш” бўйича тасдиқланган дастурга мувофиқ ўз маблағимиз ҳисобида сметалар асосида 2021 йилнинг тўртинчи чорагида қайта қуриш ишларини олиб бориш.

“Хонқа дон маҳсулотлари” акциядорлик жамиятининг устав фонди 1 миллиард 848 миллион 110 минг 400 сўмни ташкил этади. Ҳозирги кунда бир дон акциянинг номинал қиймати 100 сўмлик бўлган 18 миллион 481 минг 104 дон акция чиқарилган.

**Эмиссия рисоласи бўйича акциялар куйидаги тартибда тақсимланади:**

**Жами низом жамгармаси – 100 % = 1 848 110,4 м.с      18 841 104 дон акция**

а) “Ўдонмаҳсулот” АК улуши – 67,5 % = 1 247 611,6 м.с 12 476 116 дон акция

б) Мехнат жамоаси ва юридик шахсларнинг жойлашган акциялари улуши – 32,5% = 600 498,8 м.с 6 004 988 дон акция

Акцияларга дивидендлар тулаш учун ажратиладиган маблағлар миқдори куйидагича;

2019 йил якуни бўйича жамиятнинг соф фойдаси жами 12 млрд 381 млн сўмни ташкил этди. Ўтказилган акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан 65% қисмини, яъни 8047788 минг сўмини ишлаб чиқаришни ривожлантиришига, 5% қисмини резерв фондига яъни 619059 минг сўми ажратилди, 30% қисми 3714332 минг сўм дивидент тўловларига, 1 (бир) дон акция учун 200 сўм 98 тишиндан дивидент ҳисобланди.

### Ш.ИШЛАБ ЧИҚАРИШТУҒРИСИДА

“Хонқа дон маҳсулотлари” акциядорлик жамиятининг 2021 ишларда  
буладиган саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариши

#### РЕЖАСИ

Маҳсулот турлари	Улчов. бирлиги	2021 йил режа	шу жумладан чорақлар буйича			
			I	II	III	IV
<b>Ж А М И Я Т    Б У Й И Ч А</b>						
Маҳсулот и/ч ҳажми	минг с	10890355	24916085	24922851	33915120	24936299
Йил бош. такк. нарх	минг с	99705092	22748386	22779486	31235826	22941395
Халқ истеъмол моллари	минг с	83133335	20430406	20435953	21819996	20446980
Ун I навли	тн	37000	9250	9250	9250	9250
Кепак	тн	11100	2775	2775	2775	2775
Омухга ем	тн	16700	4000	4000	4500	4200
Уруглик дон	тн	2100	0	0	2100	0

2021 йилда Контракция шартномаларига асосан фермер хўжаликларидан  
дон қабулқилиши режаси

№	Туманлар номи	Фермер хўжаликлар сони	Қабул килинадиган дон ҳажми тн	Шу жумладан	
				Товар дон	Уруглик дон
1	Хонқа тумани	151	5264	4289	975
2	Хива тумани	102	5106	4472	634
3	Янгиарик тумани	91	3416	2966	450
	<b>Жами:</b>	<b>344</b>	<b>13786</b>	<b>11727</b>	<b>2059</b>

Юқоридаги жаadwalдан кўриниб турибдики, қабул килинадиган бугдой хом ашеси тегирмон буйича ишлаб чиқариши режасига етарли даражада қабул қилинмаиди, 3-синф бугдой ишлаб чиқариши куввати 23,8 % га етади.

Ишлаб чиқариладиган озука аралашмалари учун жамиятда ишлаб чиқариладиган кепак ва дон чиқиндилари асосий хом аше бўлиб ҳисобланади.

Бундан ташқари ички тизим, бошқа корхоналар ва аҳолидан қабул килинадиган арпа, охактош уни, шоли ундаси ва шротларлардан фойдаланилади.

#### **IV. 2020 ЙИЛДА МАХСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАЖМИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ.**

Ун, омухта ем, "Ўздонмахсулот" АК томонидан ойма-ой бериладиган бирлаштирилган топширикка асосан режасалаштирилади.

1. Жамиятда 2021 йилда 49330 тонна бугдойни қайта ишлашдан 37000 тонна I навли ун ишлаб чиқариб, биржа савдолари орқали маҳаллий аҳолига ва ишлаб чиқариш сотиш режасалаштирилмокда.

2021 йилда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар турлари ва миқдорлари қуйидагича:  
I навли ун 37000 тонна, I1100 тоннакепак, омухта ем ишлаб чиқариш 16700 тонна, маҳаллий истеъмолчиларга биржа орқали ва маҳаллий фермер хўжаликларига уруглик бугдой 2100 тоннани сотиш режасалаштирилмокда.

#### **V. МАРКЕТИНГ**

Корхона келгусида ўз ишлаб чиқарган маҳсулотларини ва бошқа маҳсулотларни жисмоний шахслар ва юридик мақомга эга бўлган корхоналар биржа савдолари орқали ёки шартнома асосида маҳсул ажратилган фондлар ва эркин сотиш бўйича маҳсул савдо дўконлари орқали савдога чиқаради.

Асосий эътибор ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ассортиментини яхшилаш, таклиф структурасини такомиллаштириш, уни талабга кўпроқ мос тушадиган ҳолатга келтиришга қаратилади.

Шундайкилиб, Маркетинг маҳсулот сифатига, унинг рақобатбардош бўлишига қўйиладиган ўзига хосталаб, турли товарлар ишлаб чиқаришини кенгайтиришга ундайдиган рағбат, аниқ талаб даражасини ҳисобга олиш ва маҳсулотларни бозор каналлари орқали мохирлик билан сотиш маҳоратидир.

Ҳозирги кунда ун маҳсулоти истеъмол бозорида соғлом рақобатни вужудга келтирмокда. Жамият ушбу шароитда муваффақиятли иш юритиб келмокда.

Дон ва ун маҳсулотларини сотиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 13 сентябрдаги "Мамлакатимиз аҳолисини ва Иқтисодиёт тармоқларини рақобат ва бозор механизмларини жорий этиш асосида дон, ун ва нон билан ишончли таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 731-сонли қарори, 2018 йил 15 сентябрдаги "Республика аҳолисини ва Иқтисодиёт тармоқларини рақобат ва бозор механизмларини жорий этиш асосида дон, ун ва нон билан ишончли таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги №1-сонли баёни ва 2018 йил 17 сентябрдаги "Республика аҳолисини ун ва нон билан ишончли таъминлаш чора-



тадбирлари тўғрисида”ги № 2-сонли баёни ҳамда 2018 йил 28 сентябрда Республика Адлия вазирлигидан рўйхатдан утган “Дон ва ун махсулотларини биржа орқали сотишни таъкил этиш масалалари тўғрисида”ги №01-03/1-2373-сонли йиғилишбаёнига ва Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019йил 14 октябрдаги “Дон ,ун ва нон етказиб бериш тизимига бозор механизмларини тўлиқ жорий этиш чора –тадбирлари тўғрисида”ги № 866-сонли қарорасосида амалда оширилади.

Ишлаб чиқарилган ун ва ун махсулотлари, омукта ем,дон махсулотлари тўлиқ биржа савдосига куйилиб сотилмокда. Биржа савдосида сотилмай колган омукта ем ўртача биржа баҳосида тугридан тўғри шартнома асосида паррандачилик, чорвачиликхўжаликларига вабошқа истеъмолчиларга сотилмокда.

Жамият 2021 йилда жамият балансида бўлган автотранспортлардан фойдаланиб,шунингдек автотранспортлари мавжуд булган автотранспорт корхоналари билан, хўжалик ва фермер хўжаликлари автотранспорт хизмати кўрсатиш бўйича шартнома тўзиб хўжаликлардан дон махсулотларини корхонага ташиб келтиради.

Ишлаб чиқарилган уруғлик бугдой дон етиштирувчи фермер хўжаликлари ва бошқасубъектларга шартнома асосида сотилади.

Жамият ишлаб чиқаришэҳтиёжи учун бугдойнинг бир қисми “Ўздонмахсулот” АК нинг тақсимотига асосан тармоқ ичидаги корхоналарданҳамда биржа савдолари орқали сотиб олишни режалаштирилади.

Жамият ўз фаолиятини давом эттириб Реклама хизматларини йўлга кўйган холда ишлаб чиқарилаётган махсулотларнинг асортиментини кўпайтириб, унинг сифатини яхшилаш, харидорларнинг зарурий талабларини қондиришга харакат қилади.

Шу сабабли хозирги шароитдан келиб чиқиб ишлаб чиқариш ва савдони сифатини яхшилаш, яъни махсулот турларини кўпайтириш, шахарва туман марказларидаги савдо шахобчалардаги савдо маданиятини ошириш устида асосий маркетинг изланишларини олиб бориш талаб этилади.

## **VI. ХОМ АШЕ, ЭХТИЁТ ҚИСМЛАР ВА ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИ ТАЪМИНОТИ.**

Акциядорлик жамиятида асосий ишлаб чиқариш махсулотларибулган 37000 тонна 1 навли ун ва 16700 тонна омукта ем ишлаб чиқариш учун 49330 тонна бугдой дони асосий хом-аше бўлиб хисобланади.

2020 йил 1 ноябр холатида 44871 тонна бугдой қолдиги мавжуд, бу тегирмонни 2020 йил ноябр-декабр давомида бугдой билан узлуксиз таъминлаш имкони беради.

Омукта ем ишлаб чиқариш учун кепак, дон чиқиндилари, арпа, макка, озука охаги, шולי ундаси, пахта шроти ва бошқалар зарур.

Жамият учун электро –энергия алохида подстанция орқали узатилади. Газ таъминоти туман газ идораси орқали таъминланади.

Ишлабчиқариш ва маиший хизмат учун зарур бўлган сув жамиятимизга қараши сув таъминоти дан олинади.

Жамият учун зарур бўлган дизел ёкилгиси ва бензин туликмиқдорда биржа орқали сотиб олинади.

2021 йилда электр-энергия, газ ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш учун барча улчов назорат приборларини қайта тафтишдан ўтказиш ва уларни тузри, ишлашини таъминлаш режаси аштирилмокда.

Корхона фаолияти учун зарур бўлган эҳтиёт қисмлар, материаллар, асбоб ускуналар, хом ашё ва моддий бойликлар жамият тендер комиссияси розилиги орқали сотиб олинади.

## **VII. ЖАМИЯТНИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ, КАДРЛАР СИЁСАТИ ВА ИШ ХАКИ.**

“Хонқа донмахсулотлари” акциядорлик жамиятининг олий бошқарув органи бу-акциядорларнинг умумий йиғилиши хисобланади. Умумий йиғилиш «Акциядорлик жамиятлари ва акционерларни хуқуқини химоя қилиш тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан 1 йилда камида 1 марта ўтказилади.

Жамиятнинг ташкилий схемаси қайтадан тўзилди, унда миноритар акциядорлар кўмитаси, кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси, ички аудит хизмати, бошқарув раиси ва унга Тўғридан-тўғри буйсунадиган ишлаб чиқариш ва молиявий масалалар бўйича директорлар ва уларга буйсунувчи 21 та бўлим ва хизматлар бириктирилди.

Хар бир бўлим ва хизмат турлари бўйича Вазирлар Махкамасининг 2015 йил 19 июндаги “Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касбларининг янгиланган классификаторларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 164-сонли қарорига мувофиқлаштирилган холда ходимларнинг лавозим йуриқномалари ишлаб чиқилди.

**Жамиятнинг хозирги кундаги ташкилий тўзиммаси куйидагича:**

Жамият Кузатув кенгаши сайланган даврида жамият фаолиятига умумий рахбарлик қилади.

Жорий тезкор бошқарув ва хўжалик фаолиятига жамиятнинг бошқаруви рахбарлик қилади.

Жамиятнинг тафтиш комиссияси молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш учун сайланади.

**Жамиятни бошқариш органларига куйидагилардан иборат:**

1. Акциядорларнинг Умумий йиғилиши
2. Кузатув Кенгаши
3. Ижроия органи

### **Жамият акциядорларнинг умумий йиғилиши**

Акциядорларнинг Умумий йиғилиши Жамиятнинг бошқарушнинг олий органидир.

Жамият акциядорларнинг йиллик Умумий йиғилиши хар йили молия йили тугаганидан кейин куни билан олти ой ичида ўтказилади.

Акциядорларнинг умумий ҳисобот йиғилишида жамиятнинг кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги, жамият яккабошчилик асосидаги ижроия органи билан тўзилган шартноманинг амал қилиши муддатини узайтириши (шартномани қайта тўзиши ёки уни тугатиши (бекор қилиши) мумкинлиги тўғрисидаги, аудиторлик текшируви ўтказиши ҳақида қарор қабул қилиш тўғрисидаги масалалар, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматига туланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш масалалари ҳал этилади, шунингдек жамиятнинг йиллик ҳисоботи ва бошқа ҳужжатлар қараб чиқилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқарий йиғилиш ҳисобланади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана ва уни ўтказиши тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериши тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишига тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материаллар рўйхатини Кузатув кенгаши белгилайди.

Акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатига киритилган масалалар ҳал қилиш учун жамият ижроия органига берилиши мумкин эмас.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишига ҳақли эмас. Жамиятнинг кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарлик қилади. Кузатув кенгашига сайланадиган аъзолар жамият билан меҳнат шартномасида бўлмасликлари керак.

Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари амалдаги қонунчилик ва мазкур Устав асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йиллик муддатга сайланадилар. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони 7 кишидан иборат.

Кузатув кенгаши ўз фаолиятида Умумий йиғилишида тасдиқланган кенгаши низомига мувофиқ иш юритади.

Жамиятнинг кундалик фаолиятига, раҳбарлик коллегиал ижроия органи (Бошқарув) томонидан амалга оширилади. Жамият бошқаруви жамиятнинг кундалик (оператив) фаолиятига раҳбарлик қилишига доир масалаларни ҳал қилади, умумий йиғилиш ва кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади. Жамиятнинг коллегиал ижроия органи Бошқарув жамиятнинг устави ва тасдиқланган низом асосида иш юритади.

Бошқарув мажлисида баеннома юритилади ва у кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ва аудиторга уларнинг талабига биноан берилади.

## **VIII. ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИ ВА УЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ МАНБАЛАРИ**

*Жамиятда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, маҳсулот турларини кўпайтириш мақсадида:*

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 октябрдаги “Атроф-муҳитга юқори ва ўрта хавфли таъсир этувчи саноат корхоналарида замонавий оқова сув тозалаш иншоотларини ўрнатиш ва мавжудларини модернизация қилиш” бўйича тасдиқланган дастурга мувофиқ ўз маблағимиз ҳисобида сметалар асосида қайта қуриш ишларини 2021 йилнинг тўртинчи чоракида якунлаш ҳамда ҳудудларига ишқом қилиб узумзор, олча ва нок ниҳолларни экиб боғ яратиш режалаштирилган.
2. 2021 йилда элеватор цехидаги эскирган термоподвескаларни ва конвейер ленталарини янғисига алмаштириш, элеватор ичидаги тарозини электрон тарозига алмаштириш, элеватор биносини жорий таъмирлаш ҳамда Марказий лаборатория учун силосларда сақланаётган бугдойни масофадан ҳароратини ўлчайдиган прибор, турли хил дон маҳсулотларини намлигини ўлчайдиган влагамер, донни ҳароратини ўлчайдиган термоштангалар ва клейковинани ювиб “ИДК” ни аниқлаб берадиган “МОК” прибори ва замонавий электрон тарозилар олиб бериш, бундан ташқари мавсумда дон қабул қилиш учун биринчи намуна олиш участкасини янғидан замонавий қилиб қуриб бериш режалаштирилган.
3. Жамиятимиз марказий тақсимлаш пункти (ЦРП) га АВР автоматик линия алмаштириш мосламаси ҳамда электр двигателларни ишга тушириш вақтида (пусковой момент) кўп тоқ кучи талаб қилиши ва линияда (нагрузка) юклама ошиб кетишини олдини олиш мақсадида (преобразователь частоты) инверторлар сотиб олиш режалаштирилган.
4. Транспорт бўлимидаги автомашиналар тураргоҳини (гараж) жорий таъмирлаш ва яма қуриш, камазга янги (балон) шиналар сотиб олиш, таъмир талаб зил, трактор ва, тиркамаларни таъмирлаш ва булдозерни консалтинг марказида баҳолатиб биржа савдоси орқали сотиш ишлари режалаштирилган.
5. Тегирмон цехидаги қопланган ун нуқсонсиз омборга етиб бориши учун янги транспортёр лентасини сотиб олиш, ҳамда коплаш жараёнида ускуналарни бир маромда ишлаши учун янғидан коплаш хонаси қуриб бериш ҳамда Туркия Давлати фирмаларидан Ўзбекистон Республикасининг “Харидлар тўғрисида”ги қонуни талабларидан келиб чиқиб тегирмон цехига эҳтиёт қисмларни сотиб олиш ва цехни жорий таъмирлаш ишлари режалаштирилган.
6. Омукта – ем цехи силкорпус зерносмесьни ўлчаш учун тарози, дробилка ДМР-20, ЗШН прес машинасини, сместитель, электр тарози, лифт ва №174-173 норияларни лентасини ҳамда гранул ишлаб чиқариш учун янги паравой котёл сотиб олиш ва ўрнатиш, ҳамда №101-102-103-30 транспортёрларни барча ускуналарини демонтаж ва монтаж қилиш. Бундан ташқари омукта – ем цехи биносини ички ва ташқи деворларини смета ҳужжатлари асосида жорий таъмирлаш ишлари режалаштирилган.
7. 2021 йилда “қоп” ишлаб чиқариш дастгоҳини сотиб олиш бўйича таклифларни ўрганиб чиқиб ишга тушириш режалаштирилган.

8. Жамиятимизда фойдаланилмай турган асосий воситалар (бинолар автотранспортлар) ва инвентарлар, жихозларни консалтинг марказида баҳолатиб биржа савдоси ва шартонома асосида сотиш режалаштирилган.

9. Жамият АБК биносини ташқи тамони фасатини ҳамда биричи қаватдаги соғломлаштириш маркази, тегирмон цехи биноси олдида футбол майдончаси (газон) қуриш ва ишга тушуриш. Шунингдек яроқсиз холга келиб қолган асфалт майдонларга янгидан асфалт ётқизиш ишлари режалаштирилган.

*Ишлаб чиқаришни корхона Иқтисодий имкониятларидан самарали фойдаланган холда ташкил этади.*

*Кадрлар танлаида мутахассислиги бўйича ишга қабул қилинади ва уларнинг малакасини оширишида "Ўздонмахсулот" АКга қирашли раҳбарлар, мутахассислар ва ишчи ходимлар малакасини ошириш курсига юборилиб турилади.*

*Ушбу "Бизнес режа" бўйича жамиятда Жами: сотишдан соф тушум 108 млрд 690 млн 355 минг сўмликни, шужумладан: ишлаб чиқариш таннархи 99 млрд 705 млн 092 минг сўмни, жами харажатлар 1млрд 671 млн 761 минг сўмни ташкил этиб, фойда солиғи 991 млн 997 минг сўмни ташкил қилади.*


*Жамият бўйича соф фойда 5 млрд сўм режалаштирилди.*

*Соф фойдага нисбатан рентабеллик даражаси 4,9 % га режалаштирилмоқда.*


**Жамият бошқарув раиси:**

 **Р.М.Абдуллаев**

**Ишлаб чиқариш, маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича директор:**

 **Ў.Раззақов**

**молиявий фаолият, махсулот сотиш ва сотиб олиш бўйича директор:**

 **О.Зарипов**

**Бош ҳисобчи:**

 **Р.Авезов**

**Бош иқтисодчи:**

 **Қ.Шарипов**

**Ётакчи маркетинглог:**

 **У.Аминов**

**Бош ҳуқуқшунос:**

 **Ш.Худайбергенов**

**Кадрлар бўйича бош мутахассис:**

 **М.Латинова**

**2021 йил учун тузилган Жамият “Бизнес-Режа”си билан танишдим ва шу асосда иш юрйтишимни ўз зиммамга оламан.**

2020 йил “30” ноябр

Хонқа тумани

*Ишлаб чиқариш, маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича директор:*

 У.Раззақов

*молиявий фаолият, маҳсулот сотиш ва сотиб олиш бўйича директор:*

 О.Зарипов

*Бош ҳисобчи:*

 Р.Авезов

*Бош иқтисодчи:*

 Қ.Шарипов

*Уруглик цехи бошлиғи:*

 Б.Каримов

*Етакчи маркетинг:*

 У.Аминов

*Бош ҳуқуқшунос:*

 Ш.Худайберганов

*Кадрлар бўйича бош мутахассис:*

 М.Латипова

*Бош энергетик:*

 М.Юсупов

*Хива “Қорақум ДҚКШ” мудири*

 Р.Матчанов

*Тегимон цехи бошлиғи:*

 С.Дурдиев


*Элеватор цехи бошлиғи:*

 Р.Рахимов

*Омухта ем цехи бошлиғи:*

 Б.Турдиев

*Марказий лаборатория бошлиғи:*

 Ў.Худайназарова

*Харбийлаштирилган қуриқчилик ва ёнгин хавфсизлиги бўлими бошлиғи:*

 Х.Нуруллаев